2016 ЙИЛ 28 НОЯБРЬ, ДУШАНБА

Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 248 (13.311)

Баҳоси эркин нархда

4 декабрь – сайлов куни

"ЎЗБЕКИСТОНДА МУСТАҚИЛ САЙЛОВ ТИЗИМИ ШАКЛЛАНТИРИЛГАН"

Испаниянинг Барселона шаҳрида Ўзбекистон Республикасида шу йил 4 декабрь куни бўлиб ўтадиган Президент сайловига бағишланган конференция ташкил этилди. Тадбир мамлакатимизнинг Мадриддаги элчихонаси, Испания Ташқи ишлар вазирлиги ҳузуридаги Осиё билан маданий алоқалар институти ҳамда Барселона Халқаро муносабатлар маркази ҳамкорлигида ўтказилди.

Анжуманда Ўзбекистоннинг демократик ислоҳотларни изчил амалга ошириш, миллий сайлов тизимини такомиллаштириш, давлат ва жамият ҳаётида сиёсий партияларнинг ролини мустаҳкамлаш ҳамда Президент сайлови муносабати билан сайлов кампаниясини юксак даражада ўтказиш борасидаги тажрибаси ҳақида сўз юритилди. Айни чоғда Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг сайлов жараёнида очиқлик, шаффофлик сингари демократик тамойиллар устуворлигини таъминлаш билан боғлиқ фаолиятига, жумладан, кўпгина хорижий мамлакатлар ва нуфузли халқаро ташкилотлардан кузатувчиларнинг таклиф этилиши масаласига урғу берилди.

Шу билан бирга иштирокчилар юртимизнинг бугунги ҳаёти, кенг кўламли ислоҳотларда ёш авлоднинг тутган ўрни ва бошқа йўналишлар бўйича ўзларини қизиқтирган саволларга батафсил жавоб олдилар.

Конференция якунида "Жаҳон" ахборот агентлиги мухбири қатнашчиларнинг Ўзбекистонда бўлиб ўтадиган Президент сайловига доир фикр-мулоҳазалари билан қизикди.

Николас де ПЕДРО,
Барселона Халқаро муносабатлар маркази эксперти, Марказий Осиё мамлакатлари бўйича мутахассис:

– Шу кунларда халқаро жамоатчилик мамлакатимизда олиб борилаётган сайловолди жараёнларига катта қизиқиш билан қарамоқда. Мен ҳам минтақада муҳим ўринга эга Ўзбекистонда кечаётган сайловга тайёргарлик ишларини кузатмоқдаман. Хусусан, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси тўлақонли кузатувчилар миссиясини Ўзбекистонга юбориш тўғрисида қарор қабул қилгани эътиборлидир. Бошқа халқаро кузатувчилар қатори ушбу ташкилот вакиллари ҳам сайлов жараёнларининг мониторингида қатнашади.

Рафаэль БУЭНО,
Осиё билан маданий алоқалар институти сиёсий, ижтимоий ва таълим дастурлари директори:

– Ўзбекистон мамлакатнинг Биринчи Президенти Ислом Каримов томонидан амалиётга татбиқ этилган тараққиётнинг миллий модели асосида қисқа даврда барча соҳада улкан натижаларни қўлга киритгани яхши маълум. Улар орасида минтақавий ўзига хослик нуқтаи назаридан алоҳида аҳамият касб этадиган жиҳат бор. Бу мамлакатдаги барқарорлик ва иқтисодиётнинг жадал ривожланаётгани билан изоҳланади. Ўтган йиллар давомида Ўзбекистонда демократияни мустаҳкамлаш йўлида эркин сайловлар институти, шаффофликка асосланган мустақил сайлов тизими, кўппартиявийлик, миллий парламент шакллантирилди.

Ўйлайманки, олдинда турган Президент сайлови Ўзбекистоннинг барқарор ва жадал суръатда ривожланаётган давлат сифатида янада равнақ топишида муҳим босқичга айланади.

"Жаҳон" АА.



ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Т.Мамаджонов (ЎзА) олган сурат

ЁШ ТАДБИРКОРЛАР БИЗНЕС-ФОРУМИ

Тошкентда "Ёшлар тадбиркорлигини ривожлантиришнинг долзарб масалалари" мавзуида ёш тадбиркорлар бизнес-форуми бошланди. "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, Республика ёшлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш маркази, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси, Марказий банк, Адлия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази ҳамда Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси кенгаши ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда 120 ёш тадбиркор иштирок этмоқда.

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси раиси ўринбосари вазифасини бажарувчи Н.Дадахонова, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши раиси ўринбосари Ў.Шукуров ва бошқалар Биринчи Президентимиз раҳнамолигида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, бунинг учун зарур шароитлар яратиш, ёш тадбиркорларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилган ишлар юксак самаралар бераётганини таъкидлади.

2016 йил 14 сентябрда имзоланган "Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида"ги қонун мазкур йўналишдаги ишларни янги босқичга кўтарди.

"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати йигит-қизларда тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш, уларнинг бизнес ғояларини қўллаб-қувватлаш мақсадида тижорат банклари билан ҳамкорликда қатор лойиҳаларни амалга оширмоқда. "Ёш тадбиркор – юртга мададкор", "Ёш тадбиркор – келажакка пойдевор", "Менинг бизнес ғоям" каби лойиҳалар ёшларнинг бизнес лойиҳаларини рўёбга чиқаришга хизмат қилмоқда.

Тадбирда соҳа мутахассислари томонидан ёшлар учун бизнесни тартибга солувчи меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, кичик бизнеснинг юридик мақомини танлаш, тижорат банкларининг кредит сиёсати, бизнес-режа тузиш талаблари, кичик бизнес технологияларини топиш, сотиб олиш ва олиб келиш шартлари бўйича маълумотлар берилди.

– 2011 йилда "Ҳоким ва ёшлар" учрашувида унумдорлиги паст ерлардан юқори ҳосил олиш бўйича ишлаб чиққан режамни таклиф этдим, – дейди гулистонлик ёш фермер Сарвиноз Шокирова. – Таклифим маъқул келиб, менга 53 гектар ер майдони ажратилди. Беш йилдан буён бу ерда пахта, буғдой экиб, юқори ҳосил олаяпмиз. "Йилнинг энг фаол ёш аёл фермери" ва "Ташаббус" кўрик-танловларида ғолиб бўлганман. Биз, ёшлар учун яратилаётган шароит ва кўрсатилаётган ғамхўрликдан чексиз миннатдормиз.

– Ўтган йили "Қишлоқ қурилиш банк"нинг Оҳангарон тумани филиалидан 50 миллион сўм кредит олиб, иссиқхона ва курилиш тармоғида кенг фойдаланиладиган полиэтилен плёнкалар ишлаб чиқаришни бошладик, – дейди ёш тадбиркор Жавлон Ёқубжонов. – Банкдан олган қарзимни олти ойда, яъни муддатидан олдин тўлаб, бу йил яна 100 миллион кредит олдим. Ушбу маблағни полиэтилен плёнкаларни қайта ишловчи замонавий ускуналар сотиб олишга сарфладим. Корхонада 5 нафар тенгдошим иш билан банд.

– Мамлакатимизда ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш соҳаларига замонавий техника ва технологияларни жалб этишга катта эътибор қаратилмоқда, – дейди қашқадарёлик ёш тадбиркор Илҳом Узоқов. – Бу йўлда ёш тадбиркорлар учун барча шароит яратилаётгани бизни беҳад қувонтирмоқда. 2015 йили "Менинг бизнес ғоям" танловининг мамлакат босқичида биринчи ўринни эгаллаб, "Агробанк"нинг Косон тумани филиалидан 20 миллион кредит олдим. Бу маблағни миллий ширинликлар – новвот, парварда ишлаб чиқаришни ташкил қилишга сарфладик. Форумда инновацион технологиялар асосида юқори сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ривожлантиришга оид таклифларим билан қатнашдим.

Форумда ёш тадбиркорларнинг ғоя ва ташаббуслари тақдимотлари бўлиб ўтди. Ахборот-коммуникация технологияларидан самарали фойдаланиш, истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, туризмни ривожлантириш, ижтимоий шериклик асосида ёш тадбиркорларни ижтимоий-иқтисодий ҳимоялаш, ёшлар тадбиркорлигига оид ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларни янада такомиллаштиришга оид таклиф ва мулоҳазалар экспертлар томонидан кўриб чиқилди.

Форумда ёшлар тадбиркорлигини молиялаштириш, замонавий технологияларни ўзлаштириш, экспорт-импорт операцияларини ривожлантириш, ёшлар тадбиркорлигига оид солиқ сиёсати, ёш солиқ тўловчиларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш, ёш тадбиркорларга бўш турган бино ва иншоотларни ажратиш каби масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Азима ҚИЁСОВА,
ЎзА мухбири

ХХІ аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

• Қаршида "Менинг овозим – Ватаним келажаги" мавзуида форум бўлиб ўтди. Тадбирда Конституция ва миллий сайлов қонунчилигига киритилган сўнгги ўзгартириш ва қўшимчалар, фуқароларнинг жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда вакиллари орқали иштирок этишини таъминлаш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар ҳақида фикр алмашилди.

• Жиззахда ўтказилган минтақавий семинар "Аҳил ва мустаҳкам оила – жамият таянчи" деб номланди. Унда Самарқанд, Сирдарё ва Жиззах вилоятлари хотин-қизлар қўмиталари раислари, маҳалла фуқаролар йиғинлари фаоллари ҳамда таълим муассасалари вакиллари иштирок этди.

• Андижон вилояти Пахтаобод тумани фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш бўлими янги бинода иш бошлади. "Яхшилик сари" масъулияти чекланган жамияти қурувчилари томонидан барпо этилган замонавий бинода аҳолига сифатли хизмат кўрсатиш учун барча шароит яратилган. Бино қурилиши ва жиҳозланишига 1 миллиард 200 миллион сўм бюджет маблағи сарфланди.

• Тошкент давлат аграр университетида "Энг фаол соғлом турмуш тарзи тарғиботчиси" кўрик-танловининг Тошкент вилояти босқичи бўлиб ўтди. Танловда унинг туман ва шаҳар босқичларида сараланган 50 иштирокчи 11 номинация бўйича баҳслашди. Ҳар бир номинация бўйича аниқланган ғолибларга танловнинг мамлакат босқичига йўлланма берилди.

• Навоийда "Йилнинг энг фаол маънавият тарғиботчиси" республика кўрик-танловининг вилоят босқичи ўтказилди. Республика Маънавият тарғибот маркази вилоят бўлими томонидан ташкил этилган танловда унинг қуйи босқичларида ғолибликни қўлга киритган 11 нафар маънавият тарғиботчиси ўзаро баҳслашди.

ЖАҲОНДА

• Pininfarina дизайнерлари (Италия) сиёҳсиз ёзадиган ручканинг янгиланган версиясини намойиш қилишди. Ручка моделининг номи Aero бўлиб, унинг учи қоғозга тегиб оксидланувчи металл қотишмадан тайёрланган. Ишлаб чиқарувчиларнинг сўзларига кўра, ёзув қуролининг корпуси жуда узоқ муддатга мўлжалланган. Бу ручкани авлоддан-авлодга мерос қилиб қолдириш мумкин. Ручка ташқи кўринишидаги горизонтал саккизлик абадият рамзидир. Янги ручка сотувга чиқарилган. Унинг нархи 120 еврони ташкил қилади.

• Хитойда бунёд этилаётган электр станциясининг маълум бир қисмининг қулаб тушиши натижасида 22 киши ҳалок бўлди.

• Нидерландияда инсон билан бирга ҳавода ҳаракатлана оладиган учар беланчак (гамак) ихтиро қилинди. У ҳавога иккита дрон ёрдамида кўтарилади. Нидерландиянинг Central Beheer суғурта компанияси ўз мижозларига айнан шундай беланчакда ҳордиқ чиқаришни таклиф қилмоқда.

• НАСА тадқиқотчилари Марсда муз қатлами топилганини эълон қилишди. Таъкидлаш жоизки, АҚШдаги энг катта кўл ҳисобланмиш Супермор катталигидаги муз қатламининг сатҳи 375 минг километр квадратни ташкил қилади. Ушбу муз қатлами махсус радарлар ёрдамида тасвирга олинган бўлиб, эндиликда Қизил сайёрада сувнинг бор ёки йўқлигини тадқиқ қилишга йўл очади.

Сайлов – 2016

МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИНИНГ МАЖЛИСИ

Хабар қилинганидек, жорий йилнинг 25 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ёритиш бўйича Республика матбуот марказида Марказий сайлов комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Видеоконференцалоқа шаклида ўтказилган тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи округ сайлов комиссиялари аъзолари, сиёсий партиялар вакиллари, халқаро кузатувчилар, журналистлар иштирок этди.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларнинг сайловолди ташвиқоти бўйича мониторингнинг дастлабки натижалари кўриб чиқилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар жорий йилнинг 28 октябридан бошлаб мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича ўз ғоя ва қарашлари, таклиф ва ташаббуслари акс этган сайловолди дастурларини сайловчилар, умуман, кенг жамоатчиликка етказишга йўналтирилган ташвиқот тадбирларини олиб бормоқда. Сайловолди ташвиқотини олиб боришда, жумладан, оммавий ахборот воситалари имкониятларидан фойдаланишда номзодларга тенг шароит таъминланмоқда.

Номзодлар Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг "Ўзбекистон" ва "Ёшлар" телерадиоканаллари, ҳудудий теле ва радиоканалларда тақдим этилган бепул эфир вақти, шунингдек, "Халқ сўзи", "Народное слово", "Правда Востока", "Нурлы жол" ва "Овози тожик" газеталари, ҳудудий газеталарда ажратилган бепул нашр майдонидан ташвиқот мақсадида самарали фойдаланмоқда.

Номзодлар ва оммавий ахборот воситалари "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги қонун ва Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг 2016 йил 3 октябрдаги қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларнинг сайловолди ташвиқотини олиб бориш тартиби тўғрисидаги низом талабларига қатъий амал қилиб келмоқда. Сайловолди ташвиқотининг ўтган даврида сайлов қонунчилиги бузилиши ҳолатлари қайд этилмади.

Мажлисда овоз беришга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш масалалари ҳам кўриб чиқилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича асосий тадбирлар дастурини амалга ошириш доирасида барча бўғиндаги сайлов комиссиялари томонидан фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларини таъминлаш юзасидан катта иш олиб борилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказиш учун сайлов участкалари, жумладан, Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги ваколатхоналари ҳузурида 44 сайлов участкаси тузилиб, зарур жиҳозлар билан таъминланди. Ҳар бир сайлов участкасида Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар ҳақида ахборот мавжуд. Участка сайлов комиссиялари томонидан сайловчиларни овоз бериш вақти ва жойи ҳақида хабардор қилиш бўйича ишлар олиб борилмоқда. Телерадиоканалларда сайлов санаси ҳақида информацион роликлар, муддатидан олдин овоз бериш, сайлов куни овоз бериш тартиби, сайлов бюллетени, шунингдек, участка сайлов комиссияларининг сайлов кунидаги фаолияти ҳақида кўрсатув, видеоролик, эшиттиришлар эфирга узатилмоқда.

Бугунги кунда сайлов куни ўз яшаш манзилида бўлиш имконияти йўқ сайловчилар учун муддатидан олдин овоз бериш жараёни давом этмоқда.

Сайлов куни овоз бериш жараёнини онлайн режимида кузатиш, мамлакатимиз ҳудудлари билан видеоалоқа орқали мулоқот олиб боришни таъминлаш мақсадида ягона компьютер тармоғи яратилган. Жамоатчиликни сайловнинг бориши ҳақида хабардор қилиш мақсадида Марказий сайлов комиссияси томонидан сайлов куни, яъни 4 декабрда онлайн брифинглар ўтказилади.

Мажлисда Марказий сайлов комиссияси ваколатига тегишли бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилиб тегишли қарорлар қабул қилинди.

Б.БОЗОРОВ

Пойтахтимиздаги "Ёшлик" талабалар шаҳарчасида Ўзбекистон ногиронлар жамиятининг Олмазор тумани бўлинмаси ташаббуси билан Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига бағишлаб ўтказилган тадбир ана шундай номланди.

МЕН ЖАМИЯТНИНГ ТЎЛАҚОНЛИ АЪЗОСИМАН

Мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида муҳим аҳамиятга эга бўлган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига пухта тайёргарлик кўриш, сайловни демократик тамойиллар асосида ўтказиш, барча сайловчилар, жумладан, ногирон ва имконияти чекланган фуқароларнинг сайлов жараёнида эмин-эркин иштирок этиши учун зарур шароит яратишга алоҳида эътибор қаратилаётир. Мустақиллик йилларида фуқароларнинг ўз хоҳиш-иродасини эркин билдириши, сайлаш ва сайланиш бўйича конституциявий ҳуқуқларидан тўлиқ фойдаланиши борасида демократик талабларга мос миллий сайлов тизими яратилгани алоҳида қайд этилди.

– Шу кунларда мамлакатимиз ҳаётидаги муҳим сиёсий жараёнга катта тайёргарлик кўрилмоқда, – дейди Ўзбекистон ногиронлар жамияти Олмазор тумани бўлинмаси раҳбари Олим Султонов. – Сайловда барча фуқаролар фаол иштирок этишади. Ўзбекистон ногиронлар жамиятининг Тошкент шаҳар Олмазор тумани бўлинмаси 2008 йилда ташкил этилган. Ташкилотимизнинг асосий мақсади ногиронларга бошқа фуқаролар билан тенг имкониятлар яратиш, уларнинг ижтимоий ҳаётда фаол иштирок этишларига кўмаклашишдан иборат. Сайловда бу йил биринчи марта кўзи ожиз сайловчилар учун брайль ёзувидаги бюллетенлардан фойдаланиш йўлга қўйилгани катта янгилик бўлди.

Тадбирда имконияти чекланган ёш инсонларга истиқлол йилларида яратилган миллий сайлов тизими, "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги қонун, сайлов қонунчилигига сўнгги йилларда киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлари мазмун-моҳияти ҳамда сайловчиларнинг қонунларда мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликлари атрофлича тушунтирилди.

Сайлов — 2016

САЙЛОВ УЧАСТКАЛАРИДА ИШ ҚИЗҒИН

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 14-Тошкент шаҳар округ сайлов комиссияси томонидан ҳудудда тузилган 713 та сайлов участкасида сайловни юксак савияда ташкил этиш учун барча зарур шароитлар яратилиб, ушбу муҳим сиёсий жараёнга қизғин ҳозирлик кўрилмоқда.



Миробод туманидаги Корпоратив бошқарув илмий-таълим маркази биносида жойлашган 212-сайлов участкасида Ат-Термизий номли ва "Фаровон" маҳаллаларининг аҳолиси овоз беради.

Участка сайлов комиссиясининг самарали фаолият юритиши учун бинода барча зарур шарт-шароит яратилган. Замонавий компьютер ва алоқа воситалари, зарур мебель ва бошқа жиҳозлар билан таъминланган. Тиббиёт, она ва бола хоналари керакли ашёлар билан жиҳозланган. Участкага Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига оид қонунлар ва қўлланмалар, сайлов варақалари ва сайловчилар учун таклифномалар етказиб берилган.

– Сайлов участкасидаги номзодларнинг дастури акс этган ташвиқот материаллари, кўргазмали воситалар орқали зарур маълумотларга эга бўлдик, — дейди "Фаровон" маҳалласи фаоли Светлана Даминова. – Биз маҳалламиз аҳолиси билан ушбу кун мамлакатимиз келажагини ўйлайдиган, эртанги кунимизнинг янада фаровон бўлишига ҳисса қўшадиган муносиб номзодга овоз берамиз.

Сайлов қонунчилигида белгиланганидек, сайлов куни ўз яшаш жойидан узоқда бўладиган сайловчи муддатидан олдин овоз бериши мумкин. Бунинг учун у сайлов кунида бўла олмаслиги сабабларини кўрсатилган ариза асосида яшаш жойидаги участка сайлов комиссиясига мурожаат қилади ва сайлов варақасини олиб, овоз беришни амалга оширади. Муддатидан олдин овоз бериш сайловга ўн кун қолганида бошланади ва сайловга бир кун қолганида тугалланади.

– Бугун сайлов участкамизда ҳар бир тадбир Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг асосий тадбирлар дастурига мувофиқ, қонунчиликда белгиланган муддатларда амалга оширилмоқда, — дейди 212-участка сайлов комиссияси раиси Ғуломжон Ҳакимов. – Маҳаллалар кўмагида ҳудуддаги 2526 нафар, жумладан овоз беришда биринчи бор иштирок этадиган 28 нафар сайловчилар рўйхати тузилиб, барча танишиши учун қулай бўлган жойга жойлаштирилди. Сайловчиларга 4 декабрь куни овоз беришда қатнашиш тўғрисида таклифномалар тарқатилди. Ишонамизки 4 декабрь – Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови куни ҳар бир сайловчи шу юртга дахлдорлик ҳиссини намоён этиб ушбу жараёнда фаол иштирок этади.

Сайловда илк марта овоз берадиган ёшларга миллий сайлов қонунчилиги кенг тушунтириб борилмоқда. "Сенинг овозинг ҳал қилувчи аҳамиятга эга", "Мен биринчи марта овоз бераман!", "Бир сайловчи – бир овоз" шиорлари остидаги тарқатма материаллар, жойларда ўрнатилган тарғибот баннерлари ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини янада юксалтиришга хизмат қилмоқда.

Шунингдек, жисмоний имконияти чекланган, кекса ёшдаги инсонлар ҳамда баъзи сабабларга кўра сайлов куни сайлов участкасига келолмайдиган фуқароларнинг рўйхати тузилиб, уларга уй шароитида овоз бериш имконияти яратиб берилади.

– Истиқлол туфайли ҳақиқий демократик сайлов нима эканини тушуниб етдик. Шаҳару қишлоқларимиз обод бўлиб, турмушимиз йилдан йилга юксалиб бормоқда, – дейди Ат-Термизий номли маҳалла фуқаролар йиғини раиси Арофат Ҳайдарова. – Айниқса, кексаларга кўрсатилаётган ғамхўрлик ва эҳтиромдан кўнглимиз тоғдек кўтарилмоқда. Ҳар куни телевизор, радио, газеталарда сайлов жараёнлари ҳақида маълумотларга эга бўлмоқдамиз. Шу замин фарзандиман деган ҳар бир инсон шу юрт тақдирига дахлдорлик ҳисси билан яшаши керак. Шундай экан, сайлов куни маҳалламиз аҳолиси билан ҳамжиҳатлик ва фаолликда шу юрт тақдири, эртаси ва келажагига муносиб ҳисса қўшишга бел боғлаган номзод учун овоз берамиз.

Шоира МУҲАМЕДОВА
Ислом Исмоилов олган сурат

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда сайлов қонунчилигини такомиллаштириш борасида изчил ислоҳотлар амалга оширилди. Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов раҳнамолигида ҳуқуқий демократик давлат ва эркин фуқаролик жамиятини барпо этиш, мамлакатимиз ҳаётининг барча соҳасини тубдан янгилаш ҳамда модернизация қилиш борасида амалга оширилган ислоҳотлар жараёнида фуқароларнинг ўз хоҳиш-иродасини эркин билдириш, сайлаш ва сайланиш бўйича конституциявий ҳуқуқларини тўлиқ таъминлаб келаётган, демократик стандартларга мос сайлов тизими яратилди.

МУҲИМ ЖАРАЁН

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, "Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги ва бошқа қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар фуқароларимизнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлашга хизмат қилмоқда. Хусусан, Конституциямизда барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенг экани ўз аксини топган. Бундан ташқари, Бош Қомусимизнинг 46-моддаси аёллар ва эркакларнинг тенг ҳуқуқли экани тўғрисидаги нормани ўзида мужассам этган.

Фуқароларнинг жамият ва давлат ишларини бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқи демократик ҳуқуқий давлат ҳамда кучли фуқаролик жамиятининг муҳим тамойилларидан бири ҳисобланади. Сайлов жараёнлари фуқаролар ижтимоий фаолликларининг бевосита ошишига ҳамда улар ҳуқуқий онги ва сиёсий маданиятининг янада юксалишига хизмат қилади. Жамиятни янгилаш ва демократлаштириш борасидаги кенг кўламли ислоҳотлар ривожи фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларини амалга оширишга ҳам узвий боғлиқ. Шу боис фуқароларимизнинг сайлов жараёнининг барча босқичларидан хабардор бўлишлари уларнинг ҳуқуқий маданиятини, ижтимоий фаоллигини оширишда муҳим ҳисобланади.

Олдимизда муҳим сиёсий воқеа – Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини юқори савияда, шаффофлик, ошкоралик тамойиллари асосида ўтказишдек муҳим жараён турибди. Бунда албатта, сайловчилар ҳуқуқий маданиятининг юксаклиги, Ватанимиз келажагига дахлдорлик ҳисси муҳим аҳамият касб этади.

Бу борада ФҲДЁ бўлимлари зиммасига ҳам катта масъулият юкланади. ФҲДЁ бўлимиз томонидан ёш оилаларга сайлов қонунчилиги, ёшларнинг бу жараёндаги фаол иштироки, сайлов маданияти мазмун-моҳияти акс этган бир қатор тарғибот-ташвиқот тадбирлари йўлга қўйилган.

Хусусан, оила қуриш мақсадида келган ёшларимизга оиланинг нақадар муқаддаслигини айтиш билан бирга, яқинлашиб келаётган Президент сайловининг ҳам уларнинг порлоқ келажаги учун жуда муҳимлигини батафсил тушунтирмоқдамиз.

Бир сўз билан айтганда, мамлакатимиз ҳаёти, халқимиз ва турмушимиз фаровонлиги учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга мазкур сиёсий жараён ҳар биримиз учун ўта муҳимдир ва биз бу сайловда муносиб иштирок этмоғимиз даркор.

Зулайҳо КАМОЛХЎЖАЕВА,
ҳуқуқшунос

МЕН ИЛК БОР ОВОЗ БЕРАМАН

Мен "Ёшлик" талабалар шаҳарчаси ҳудудида жойлашган Тошкент маданият коллежининг 3-босқич ўқувчисиман. "Камолот" ЁИҲ "Ёшлик" талабалар шаҳарчаси Етакчилар Кенгаши фаол аъзосиман, тадбирларда мунтазам иштирок этаман.

Жорий йилнинг 4 декабрида бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида илк маротаба қатнашаман. Бу менинг масъулиятли ва шарафли бурчим. Ушбу сайловда мен она Ватаним манфаатларини, истиқболини кўзда тутиб, муносиб номзодга ўз эркинлик ва демократик ҳуқуқларимдан фойдаланиб овоз бераман.

Сайлов – бу ҳар бир кишида фуқаролик масъулиятини англаш билан бирга "Мен шу Ватан фарзандиман" деган ғояни сингдиришга, англаб етишга хизмат қилади. Ўзбекистон Республикасининг ҳар бир фуқароси она Ватанимизнинг фарзанди ҳисобланади.

Мустақил демократик давлатда ҳар бир фуқаронинг, Ватан фарзандларининг ўз ўрни, ўз овози бор. Биз ёшларнинг бўлиб ўтадиган сайловдаги иштирокимиз фикр ва нуқтаи назарларимиз ҳозирги кун ёшларининг бу каби жараёнларга муносабатларини, дунёқарашларини ўрганиш билан бир қаторда, сиёсий салоҳиятлари қай даражада эканлигини белгилаб беради.

Бундай муҳим сиёсий жараёнларда биз тафаккур ва идрок билан ечим топишимиз зарур. Бу нафақат бугунимиз ёки эртамизни, балки, бизнинг ва биздан кейинги авлоднинг ҳам келажак тақдирини белгилаб берувчи ечим бўлиб хизмат қилади, деб биламан.

М. ЯҲЁЕВ,
Тошкент маданият коллежининг 3-босқич ўқувчиси

Мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимида ўтказилаётган ислоҳотларда ҳокимиятнинг учинчи тармоғи бўлмиш судлар фаолиятига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бундан кўзланган асосий мақсад фуқароларнинг қонуний манфаатларини суд орқали ҳимоя қилишни кучайтириш, одил судловни таъминлашдир. Бу жараёнда судлар томонидан қабул қилинган ҳужжатларнинг ўз вақтида, сўзсиз ижро этилиши жуда муҳим.

ЗАМОНАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ТАТБИҚ ЭТИЛМОҚДА

Адлия вазирлиги ҳузуридаги суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаментида ўтказилган тадбир "Суд департаментининг фаолияти, тизимда замонавий ахборот-технологияларининг татбиқ қилиниши ҳамда келгусида амалга ошириладиган вазифалар" мавзусига бағишланди.

Айтиш жоизки, соҳадаги ҳуқуқий муносабатларни тартибга солувчи "Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида"ги Қонуннинг қабул қилиниши бу борадаги ислоҳотларни янги босқичга олиб чиқди. Бу йўналишдаги амалга оширилган ташкилий-ҳуқуқий тадбирлар натижасида Суд департаменти томонидан суд қарорларини мажбурий ижро этиш ишлари самарадорлигини ошириш, судларнинг моддий-техник таъминотини яхшилаш суд биноларини қуриш, мукаммал таъмирлашда бир қатор ижобий натижаларга эришилди.

Мамлакатимиз Биринчи Президентининг тизимни янада такомиллаштиришга йўналтирилган 2006-2007 ва 2012 йиллардаги Қарорлари суд ижрочиларининг фаолиятини тубдан яхшилаш ва ижро самарадорлигини янада оширишга замин яратди. Уларда белгиланган вазифаларни бажаришга қаратилган, хусусан Суд департаменти тизимини тартибга солувчи қонуности ва 30 га яқин идоравий ҳужжатлар қабул қилинди. Ўзбекистон Республикасининг тегишли Қонунига мувофиқ бир қатор қонун ҳужжатларига зарур ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Уларга асосан тизимда янги йўналиш – суриштирув ва маъмурий амалиёт бўлими, суриштирув секторлари ҳамда суд ижрочиларининг фаолиятида компьютер, ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланишни таъминлаш мақсадида ахборот таъминоти ва мол-мулкни қидирув бўлими ҳамда бир неча секторлар ташкил этилди. Ушбу ислоҳотлар натижасида соҳада сезиларли ижобий кўрсаткичларга эришилмоқда.

Адлия органлари фаолиятига замонавий ахборот коммуникация технологияларини кенг жорий этиш доирасида судлар ва бошқа органлар томонидан берилган ижро ҳужжатларининг ижросини ўз вақтида таъминлашга қаратилган ўзаро электрон, ахборот коммуникация ҳамкорликни амалга ошириш, суд ижрочиларига қонун ҳужжатлари билан ишлари юзасидан юклатилган вазифаларни ўз вақтида сифатли юборилиши устидан назорат қилиш ҳамда тизимли мониторингини амалга оширишни ташкил этиш мақсадида "E-ijro" электрон дастури ишлаб чиқилди. Ҳозирги кунга келиб дастурда 5 млн.дан ортиқ ижро ҳужжатлари рўйхатдан ўтказилган.

Суд департаменти ва Марказий банк ўртасида электрон маълумот алмашинуви ташкил этилиб, у орқали қарздорликнинг тижорат банкларидаги ҳисоб рақамларини электрон сўровнома юбориш орқали аниқлаш имкони яратилди. Қарздорларнинг мол-мулкини қидиришда "Ер геодезкадастр" давлат қўмитасининг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси билан тўлақонли автоматлаштирилган электрон маълумот алмашинуви йўлга қўйилди.

Суд департаментининг расмий веб-сайти орқали четга чиқиши вақтинча чекланганлиги ёки йўқлиги ҳақида ва бошқа маълумотларни олиш мумкин. Масалан, раҳбарият қабул кунлари ва "ишонч телефони", Суд департаментига электрон мурожаат юбориш имконияти, сотувга чиқарилган кўчмас мулк ва автотранспорт воситалари ҳақидаги маълумот, хатланган мол-мулкларни сотувчи савдо ташкилотлари ҳақидаги маълумот, тизимда бўш иш ўринлари ҳақидаги маълумот, суд департаменти фаолиятига боғлиқ янгиликлар, видеолавҳалардан хабардор бўлиш мумкин. Тизимга замонавий электрон ахборот воситаларини татбиқ қилиш ишлари жадал суръатларда давом эттирилмоқда.

Матбуот анжуманида журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишди.

З.ШАРИФЖОНОВ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

ДЕПУТАТЛАР ДЕМОКРАТИК ИСЛОҲОТЛАРНИ ЯНАДА ЧУҚУРЛАШТИРИШГА ҚАРАТИЛГАН ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРНИ КЎРИБ ЧИҚДИЛАР

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Депутатлар жамият ҳаётининг турли соҳаларида амалга оширилаётган ислоҳотларни янада чуқурлаштиришга, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган бир қатор қонун лойиҳаларини кўриб чиқдилар.

Аввал хабар қилинганидек, парламент қуйи палатаси мажлисининг кун тартибига киритилган масалалар сиёсий партиялар фракциялари ва Ўзбекистон Экологик ҳаракати депутатлар гуруҳининг, Қонунчилик палатаси қўмиталарининг мажлисларида вазирликлар ва идоралар, фуқаролик жамияти институтларининг вакиллари иштирокида дастлабки тарзда муҳокама қилинган эди.

Депутатлар ўз ишларини "Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида"ги қонун лойиҳасини иккинчи ўқишда муҳокама қилишдан бошладилар.

Муҳокама чоғида депутатлар алоҳида таъкидладиларки, қонун лойиҳаси муҳим ва ўз вақтида қабул қилинаётган бўлиб, у биринчи навбатда фуқаролар, жумладан, тадбиркорларнинг давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахсларига ишончини мустаҳкамлаш, мамлакатнинг инвестициявий жозибадорлигини ошириш, шунингдек, коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ҳуқуқий муносабатларни кенг кўламда қонун йўли билан тартибга солишга, коррупцияга қарши курашиш борасида давлат органлари, ташкилотлар ва фуқаролик жамияти институтлари томонидан амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг самарадорлигини оширишга, шунингдек, жамият ҳаётининг барча соҳаларида бундай ҳолатга тўлиқ барҳам беришга, жамиятда фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини ошириш орқали коррупциянинг барча кўринишларига нисбатан муросасизлик муҳитини яратишга қаратилгандир.

– Ушбу қонун лойиҳасини иккинчи ўқишга тайёрлаш жараёнида Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси томонидан унинг жамоатчилик муҳокамалари ташкил этилди, – дейди Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси аъзоси Ш.Мамажонов. – Биз суд органлари, прокуратура, адлия органлари ва қонунни қўллаш амалиёти бошқа соҳалари вакиллари, ҳуқуқшунос олимлар, шунингдек, кенг жамоатчилик вакиллари иштирокида лойиҳанинг ҳар бир нормасини синчиклаб таҳлил қилдик. Бу уни янада такомиллаштиришга хизмат қилди. Ушбу қонун лойиҳаси, шак-шубҳасиз, унда фуқаролар, ташкилотлар, жумладан, тадбиркорларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлашни ҳисобга олган ҳолда давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахсларининг масъулияти ва муносабатини оширади, шунингдек, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлардан огоҳлантириш ва профилактикасига хизмат қилади.

Шундан сўнг парламент қуйи палатаси депутатлари "Маъмурий қамоқни ўташ тартиби тўғрисида"ги қонун лойиҳасини иккинчи ўқишда кўриб чиқдилар.

Қонун лойиҳасида, хусусан, маъмурий қамоққа олинган шахсларни қабул қилиш, жойлаштириш ва сақлаш, уларни кўрикдан ўтказиш, жойлаштириш ва сақлаш тартиби, шунингдек, маъмурий қамоққа олинган шахсларни сақлаш режимини таъминлаш чора-тадбирлари, уларнинг ҳуқуқий ҳолати, ҳуқуқлари ва мажбуриятлари каби масалалар назарда тутилган. Шунингдек, қонун лойиҳасида бундай шахсларнинг шахсий хавфсизлигини таъминлаш ва юридик ёрдам кўрсатишга, уларнинг фуқаролик-ҳуқуқий битимларда ҳамда оилавий муносабатларда иштирок этишига, улар томонидан мурожаатлар, почта жўнатмалари ва йўқловларни бериш ва олишга, махсус қабулхона ҳудудидан четга чиқишига тааллуқли нормалар, шунингдек, маъмурий қамоққа олинган шахсларни сақлаш жойлари, уларнинг моддий-маиший ҳамда тиббий таъминотига доир асосий талаблар мустаҳкамлаб қўйилган.

– Маъмурий қамоққа олинган шахсларни қабул қилиш ва сақлаш учун мўлжалланган муассасаларнинг фаолият юритиши, маъмурий қамоққа олинган шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларининг таъминланиши билан амалий тарзда танишиш мақсадида қўмита аъзолари пойтахт ҳудудида жойлашган махсус қабулхоналарда бўлдилар, – дейди Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси аъзоси Ш.Тўхташев. – Бу билан биз мазкур қонун лойиҳасининг ўз вақтида парламент томонидан кўриб чиқилганлигига жойларда ишонч ҳосил қилдик. Бизнингча, янги махсус қабулхоналарни қуриш ва мавжудларини қайта қуриш учун зарур бўлган тайёрлов даврини ҳисобга олган ҳолда, қонун лойиҳасида у кучга киришининг алоҳида муддатини назарда тутиш муҳим бўлиб, ушбу давр мобайнида бўлажак қонуннинг ҳар томонлама ижросини таъминлаб берувчи белгиланган тадбирларни амалга ошириш режалаштирилмоқда.

Мажлисда таъкидландики, "Маъмурий қамоқни ўташ тартиби тўғрисида"ги қонун лойиҳасининг қабул қилиниши маъмурий қамоқни ўташ соҳасидаги муносабатларни қонуний тартибга солиш, жумладан, мазкур муносабатлар субъектларининг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоясини таъминлашга, бу борадаги вазифаларнинг сўзсиз бажарилишига хизмат қилади.

Мазкур ҳуқуқий ҳужжатларнинг муҳокамаси сиёсий партиялар фракциялари нуқтаи-назарларини инобатга олган ҳолда қизғин ва эркин мунозара шаклида бўлиб ўтди. Депутатлар мазкур қонунларни қабул қилиш ҳамда уларни Сенатга юбориш тўғрисида қарор қабул қилдилар.

Мажлисда депутатлар бошқа масалаларни ҳам муҳокама қилдилар.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Ахборот хизмати

ЁШЛАР БОШ ҚОМУСИМИЗНИ ЎРГАНМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим ҳамда Адлия вазирликлари ҳамкорлигида "Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси – мамлакат тараққиёти ва жамият фаровонлигининг ҳуқуқий кафолати" мавзуида видеоконференция ўтказилди.

Олий ва ўрта махсус таълим муассасаларида "Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганиш" курсларини янада такомиллаштириш мақсадида ташкил этилган тадбирда профессор-ўқитувчилар, ҳуқуқшунос олимлар ва кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг биринчи ўринбосари И.Мажидов ва бошқалар мамлакатимизда таълим-тарбия тизимида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар жараёнида ҳуқуқий таълимни янада такомиллаштириш, ўғил-қизларнинг ҳуқуқий билим ва маданиятини оширишга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Биринчи Президентимизнинг 2001 йил 4 январдаги "Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида"ги фармойиши бу борада муҳим омил бўлмоқда.

Мамлакатимизда таълимнинг барча босқичида ўқувчи ва талаба ёшларга Конституцияни ўргатиш мақсадида махсус фанлар, ўқув курслари жорий этилган. "Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганиш" ўқув курсларини ташкил этишдан кўзланган асосий мақсад ёшларнинг Бош қомусимизнинг ҳуқуқий демократик давлат қуриш ва фуқаролик жамиятини шакллантиришдаги тутган ўрни ва роли тўғрисида билимларини бойитиш, фуқаролик бурчини ҳис қилиш, қонунга риоя қилишни шакллантиришдан иборат.

– Конституциямиз барча таълим муассасаларида ёшларга изчил ва пухта ўргатилмоқда, – дейди Тошкент давлат юридик университети доценти, юридик фанлари номзоди Ҳайдарали Муҳаммадов. – Таълим жараёнида ёшларимизнинг Бош қомусимиз билан кафолатланган ҳуқуқ ва манфаатлари, бурч ва мажбуриятларини кенг тушунтирилмоқда. Бу борада профессор-ўқитувчиларнинг билим ва малакалари мунтазам ошириб борилмоқда.

Семинарда мамлакатимиз Асосий қонунида ҳар бир фуқаронинг бепул умумий таълим олиш ҳуқуқи белгилаб қўйилгани ва истиқлол йилларида таълим сифати ҳамда мазмунини такомиллаштириш бўйича амалга оширилаётган ишлар салмоқли натижалар бераётгани, ўсиб келаётган ёш авлод соҳани янада ривожлантиришда муҳим ўрин тутиши, бу борада барча зарур шарт-шароитлар яратилгани таъкидланди. "Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганиш" курсларини янада такомиллаштириш, талабаларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш борасида таклиф ва мулоҳазалар билдирилди.

Ш.МАМАТУРОПОВА,
ЎзА мухбири

4 декабрь – сайлов куни

МИЛЛИЙ МАНФААТЛАР ҲАР НАРСАДАН УСТУН

Мамлакатимизда шу йил 4 декабрь куни бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик ишлари қизғин паллага кирди. Сайлов кампаниясининг моҳиятига кўра энг муҳим босқичлардан бири – сайловолди ташвиқоти давом этмоқда.

Мазкур жараёнда айниқса, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод кўрсатган сиёсий партиялар янада фаол иштирок этмоқда. Жумладан, Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига кўрсатилган номзод Сарвар Отамуратов ва унинг ишончли вакиллари шаҳар ва туманларда сайловчилар билан учрашувлар ўтказмоқда. Учрашувларда дастурда белгиланган мақсад ва вазифаларнинг мазмун-моҳияти сайловчиларга ҳамда кенг жамоатчиликка бевосита етказилмоқда. Хусусан, номзоднинг Тошкент шаҳридаги ишончли вакили Феруза Муҳиддинованинг Тошкент молия ва иқтисодиёт коллежи, Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институти, Тошкент давлат иқтисодиёт университети қошидаги академик лицей, Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти қошидаги академик лицей, Тошкент стоматология институти, "Бекобод" маҳалла фуқаролари йиғини, "Ўзбекистон темир йўллари" акциядорлик жамияти "Ўзтемирйўлмаштаъмир" унитар корхонаси, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Маънавият ва маърифат маркази каби бир қатор жойларда сайловчилар билан ўтказган учрашувлари жонли мулоқот ва фикр-мулоҳазаларга бой тарзда ўтди.

Номзоднинг ишончли вакили аввало, сайловчиларга Президентликка номзод Сарвар Отамуратовнинг таржимаи ҳоли ва фаолияти ҳақида атрофлича маълумот берди. Шунингдек, номзоднинг сайловолди дастуридаги асосий мақсад-моҳиятга тўхталар экан, унда бугунги тараққиётимизнинг ҳаётий дастурига айланган беш тамойил асосида ислоҳотлар бардавомлигини таъминлаш, бошланган улуғвор ишларга жўшқин суръат бахш этиш учун мустақиллик йилларида ижтимоий-иқтисодий тараққиётга эришишда тўпланган тажрибалар, улкан тарихий, маданий, бой маънавий, ахлоқий қадриятлар ва анъаналар асосида жамиятда юксак ҳуқуқий ва сиёсий маданиятни мустаҳкамлаш ҳамда маънавий юксалишга эришишга асосий эътибор қаратилганини таъкидлаб ўтди. Сайловолди дастуридан миллий ўзликни англаш, миллий ғурур ва қадр-қиммат туйғусини мустаҳкамлаш, миллий иқтисодиётни ривожлантириш, аҳолининг турмуш сифати, даражаси ва фаровонлигини ошириш бўйича Давлат дастурлари қабул қилиш ҳамда комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиш каби масалалар ўрин олганлигини алоҳида эътироф этди. Дастурда ишлаб чиқаришни техник ва технологик модернизация қилиш, ишлаб чиқаришга йўналтирилмаган харажатларни қисқартириш, янги, замонавий технологияларни жорий этиш, шунингдек, истиқболли ишлаб чиқариш билан шуғулланаётган корхоналарга солиқ ва мажбурий тўловларда имтиёзлар бериш йўли билан маҳаллий саноат самарадорлигини янада ошириш муҳим масала сифатида белгиланганлигини қайд этди.

Шунингдек, дастурда ўз аксини топган миллий бозорни сифати паст, халқаро андозаларга мос келмайдиган маҳсулотлардан муҳофаза этиш, қулай ва жозибадор сармоя муҳитини шакллантиришнинг ҳуқуқий асосларини кучайтириш давлат компаниялари ва давлат улуши устунлик қиладиган корхоналарнинг молиявий-хўжалик фаолияти шаффофлигини таъминлаш орқали уларнинг фаолият самарадорлигини ошириш, ички хусусий инвестицияларни миллий иқтисодиётга йўналтиришни янада кенгайтиришни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш вазифалари мамлакатимиз миллий иқтисодиётини янада ривожлантиришга хизмат қилиши таъкидланди. Ишончли вакил номзод дастурига эътиборни қаратар экан, унда эртамиз эгаларини миллий маънавият ва қадриятлар руҳида тарбиялаш, маънавий-маърифий марказларни ташкил этиш, уларнинг фаолиятини ривожлантириш, оилавий қадриятларни ардоқлаш ҳамда оилаларни мустаҳкамлаш лозимлигига алоҳида урғу берилганини айтиб ўтди.

Дастурда маънавий-маърифий, сиёсий ва суд-ҳуқуқ, иқтисодий, ижтимоий, ахборот ва ташқи сиёсат йўналишларида илгари сурилган таклифлар халқимизда миллий ўзликни англаш, миллий ғурур ва қадр-қиммат туйғуларини мустаҳкамлаш, жамиятни ислоҳ этиш ва демократлаштириш, мамлакатимизни модернизация қилиш жараёнларини янги босқичга кўтаришга хизмат қилади, деб таъкидлаб ўтди ишончли вакил. Номзоднинг сайловолди дастурида туризмни ривожлантириш масаласига катта эътибор қаратилган бўлиб, ушбу соҳа иқтисодиётнинг ривожланиш жараёнини тезлаштирувчи омил сифатида иқтисодий ва ижтимоий муаммолар ечимида муҳим ўрин тутади. Хусусан, қўшимча иш ўринлари яратилиши, аҳоли бандлигини таъминлаш, иқтисодий фаолиятнинг ўзаро боғлиқ бўлган тармоқлари, инфратузилманинг ривожланишига хизмат қилади.

Кўтаринки кайфиятда ўтган учрашувларда сўзга чиққанлар дастурда қайд этилган устувор йўналишларни амалда рўёбга чиқариш, мамлакатимиз миллий манфаатларини ҳар томонлама ҳимоя қилиш, Ватанимизда ҳукм сураётган тинчлик ва осойишталикни янада мустаҳкамлаш, иқтисодиётнинг барқарор ўсиш суръатларини таъминлаш, халқимиз фаровонлиги ва мамлакатимизнинг бундан буён ҳам гуллаб-яшнашига хизмат қилишига ишонч билдириб, сайловчиларни Президентликка номзод Сарвар Отамуратовга овоз беришга чақирдилар.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш"
демократик партияси Тошкент шаҳар Кенгаши
матбуот хизмати

Чилонзор тумани ҳокимининг
ҚАРОРИ

ЧИЛОНЗОР ТУМАНИДА ИЖТИМОИЙ МУҲОФАЗАГА МУҲТОЖ ВА ИШ ТОПИШДА ҚИЙНАЛАЁТГАН ШАХСЛАРНИ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ УЧУН ИШ ЎРИНЛАРИНИ 2017 ЙИЛ УЧУН БАНД ҚИЛИБ ҚЎЙИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикасининг "Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида"ги Қонуни 17-моддаси (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси 1998 й., 5-6-сон, 97-модда), "Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида"ги (янги таҳрири) Қонуни 25-моддаси (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси 2008 й., 7-сон, 353-модда), "Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида"ги Қонуни 8-моддаси (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси 2008 й., 4-сон, 190-модда), Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Аҳолининг ҳожатманд қатламларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш ҳамда тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 2016 йил 22 февралдаги ПФ-4782-сон Фармони (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 8-сон, 73-модда), "Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлиги фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 2016 йил 24 февралдаги ПҚ-2498-сон Қарори (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 9-сон, 85-модда), Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 20 августдаги 186-сон қарори билан тасдиқланган "Ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини банд қилиб қўйиш тартиби тўғрисида"ги Низомга (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 34-сон, 333-модда) мувофиқ ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун 2017 йилга мўлжалланган банд қилиниши керак бўлган иш ўринлари сонини ва уларга қўйиладиган талабларни белгилаш бўйича туман махсус комиссиясининг 2016 йил 7 ноябрдаги баённини инобатга олиб,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1.Чилонзор туманида ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун тумандаги 210 та ташкилотларда аҳолининг қўйидаги тоифалари учун жами 2357 та иш ўринлари банд қилиб қўйилсин:

ёлғиз ота, ёлғиз она ва 14 ёшгача бўлган ногирон болалари бор кўп болали ота-оналар учун – болаларини тарбиялаш ва меҳнат мажбуриятлари бўйича вазифаларни уйғунлаштириш имконини берадиган, ўзгарувчан иш жадвалга эга бўлган иш ўринлари;

таълим муассасаларини тугатган ёшлар учун – уларнинг касб бўйича тайёргарлигига мувофиқ бўлган иш ўринлари;

муддатли ҳарбий хизматдан бўшатилган шахслар учун - уларнинг касб бўйича тайёргарлигига мувофиқ бўлган иш ўринлари;

ногиронлар учун – меҳнат шароитлари бўйича аттестациядан ўтказилган ҳамда ходимга иш жараёнларни тўсқинликсиз бажариш имконини (соғлиғининг аҳволи ва меҳнат фаолиятига нисбатан белгиланган зид кўрсаткичлар ҳисобга олинган ҳолда) берадиган иш ўринлари;

